**Нуритдинова Рафия Назиповна** — Акциядорлик-тижорат «Пахта банк»ининг бўлим бошлиғи

**Нурманов Ўктам Ғаппорович** — Қизириқ туманидаги «Нурман бобо» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Пирматов Нурмат Раҳмонович** — Олтиариқ туманидаги «Нуробод машина-трактор парки» акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, Фарғона вилояти

**Ражабова Назира Ражабовна** — Урганч туманидаги «Пахтакор — Урганч» муқобил машина-трактор паркининг пиллачиси, Хоразм вилояти

**Раҳмонов Зокиржон** — Учкўприк тумани ҳокими, Фарғона вилояти

**Ризаев Эрали Абдукаримович** — Нуробод туманидаги «Саҳоб ота» ширкат хўжалигининг бош чўпони, Самарқанд вилояти

**Содиқова Моҳира Каримжоновна** — Собир Раҳимов туманидаги «Йўлдош Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси» масъулияти чекланган жамиятининг тикувчиси

**Саидов Исмоил** — Ҳазорасп туманидаги «96-автотранспорт корхонаси» масъулияти чекланган жамиятининг таъмирловчиси, Хоразм вилояти

**Саидов Шариф** — «Бухоро нефтни қайта ишлаб чиқариш» унитар шўъба корхонаси таъмир-механика цехининг технологик қурилмаларни таъмирлаш чилангари

**Сайдуллаев Фозилжон** — Чироқчи туманидаги «Чашма» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Самандаров Хурсан** — Ангор туманидаги «Самандаров Хурсан» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Сафаров Бахтиёр Иброҳимович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Махсус авиация ишлари» авиакомпанияси Урганч авиаэскадрильяси Ан-2 самолёти командири

**Сафаров Товбой Раҳманович** — Оҳангарон шаҳридаги «Оҳангароншифер» очиқ акциядорлик жамиятининг машинисти, Тошкент вилояти

**Сафаров Тоштемир** — Олтинсой туманидаги 13-автокорхонанинг ҳайдовчиси, Сурхондарё вилояти

**Сафарова Басира Тўхтаевна** — Учтепа туманидаги «Шарқ гули» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Сейтекеев Қуанишбай Шинибаевич** — Қанликўл туманидаги М.Нурмуҳаммедов номли муқобил машина-трактор паркининг механизатори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сидиқов Ғафур Турдиевич** — Марғилон шаҳридаги «426-хўжаликлараро ихтисослашган кўчма механизация колоннаси» масъулияти чекланган жамиятининг прорабi, Фарғона вилояти

**Солиев Деҳқонбой** — Қўрғонтепа туманидаги «Машина трактор парки» акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, Андижон вилояти

**Сулаймонова Ҳамида Раҳмоновна** — Кармана туманидаги «Чевар Муниса» хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг тикувчиси, Навоий вилояти

**Темиров Нўъмонбой** — Тайлоқ туманидаги «Нумонбой Бобур Нур Барака» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Тиллаев Маҳмуджон Собирович** — Балиқчи туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалигининг механизатори, Андижон вилояти

**Тиллаева Муқаддас Нуриддиновна** — Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг таҳлил ва режалаштириш бўлими бошлиғи

**Тоғаев Бахтиёр Ҳақбердиевич** — Сардоба туманидаги «Тоғой ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Тожиев Авган** — «Зарҳавзасув» бошқармаси Дарғом ирригация тизими бошқармасининг экскаватор машинисти, Самарқанд вилояти

**Тўхтаматов Эргашали Аҳмадалиевич** — Бекобод туманидаги « Бекобод машина-трактор парки» акциядорлик жамиятининг оператори, Тошкент вилояти

**Тошпўлатов Салим Эшпўлатович** — Ромитан туманидаги «Ёқубшайх» фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

**Тўраев Мирзаакрам Ҳасанович** — Ёзёвон туманидаги «Фар-қоракўл» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Турғунов Рустамжон Алибоевич** — Мингбулоқ туманидаги «Машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, Наманган вилояти

**Турғунова Махпиратхон** — Балиқчи туманидаги А.Мўминов номли ширкат хўжалигининг пиллачиси, Андижон вилояти

**Турсунова Инобат Акрамовна** — Китоб туманидаги «Дўстлик» аҳолига маиший хизмат кўрсатиш фирмасининг тикувчиси, Қашқадарё вилояти

**Убайдуллаева Масъудахон Абдуллаевна** — Янгиқўрғон туманидаги «Об-равон» фермер хўжалигининг пиллачиси, Наманган вилояти

**Удабоев Шухрат Матсафоевич** — Шовот туманидаги «Уста Матсафо» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Узоқов Улуғбек Йўлдошевич** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси

**Умаров Омон** — Бахмал туманидаги «Умар бобо» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Умаров Раҳимжон Шералиевич** — Косонсой туманидаги «Косонсой гулшани» фермер хўжалигининг сувчиси, Наманган вилояти

**Файзиева Насиба Ҳамидовна** — «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг «Тошкент почтампти» филиалининг почтальони

**Ҳожиев Машарип** — «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компаниясининг «Трактор ва қишлоқ хўжалик машиналар» илмий бўлими бош мутахассиси

**Ҳайдаров Мамирали Усмонович** — Фурқат туманидаги 526-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна устаси, Фарғона вилояти

**Ҳайназарова Жамила Тоғаевна** — Навбаҳор туманидаги «Истиқбол» фермер хўжалигининг ишчиси, Навоий вилояти

**Ҳакимов Шарипжон Бобожонович** — Ховос туманидаги «Музаффар» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Ҳасанова Шаҳодат Жўрақуловна** — Хатирчи тумани телекоммуникациялар боғламасининг электр механиги, Навоий вилояти

**Хўжаева Дилбар Жалоловна** — Яккасарой тумани Тадбиркор аёллар уюшмаси раиси, Тошкент шаҳри

**Хўжамуродова Турсун** — Мирзаобод туманидаги «Оқолтин» ҳудудий уюшмасининг пиллачиси, Сирдарё вилояти

**Ҳожиев Фахриддин Абдусаликович** — «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик компаниясининг бош мутахассиси

**Ҳожиматов Охунжон Сайдалиевич** — Риштон туман йўл хўжалиги таъмирлаш-фойдаланиш пудрат корхонасининг ишчиси, Фарғона вилояти

**Ҳожимов Жами Убайдуллаевич** — «Қуваниш-жарма» ирригация тизимлари бошқармасининг экскаватор машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Холбоева Марям Норметовна** — Қўшкўпир туманидаги почта алоқа тармоғининг оператори, Хоразм вилояти

**Холмуродова Тамара Тайчевна** — Самарқанд туманидаги «Т.Холмуродова-узумзорлари» фермер хўжалиги бошлиғи

**Холов Муҳаммадбақо** — Каттақўрғон туманидаги «Махсус механизациялашган кўчма корхона» масъулияти чекланган жамиятининг устаси, Самарқанд вилояти

**Ҳамидов Шавкатжон Сайрамович** — Наманган вилояти «Ғўза уруғчилиги» бирлашмасининг Қ.Солиев номли элита хўжалиги лабораторияси мудири

**Хоназарова Мўътабархон Алиевна** — Боғдод туманидаги «Йўлдошобод» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

**Худойбердиев Маҳмаражаб Жўраевич** — Косон туманидаги «Ашур ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Хўжамова Саодат Исломовна** — Қарши туманидаги «Бешкент пахта тозалаш» очиқ акциядорлик жамиятининг ишчиси

**Шодиёров Бектемир Норқулович** — Булунғур тумани телекоммуникация боғламаси бош муҳандиси, Самарқанд вилояти

**Шокиров Сойиб** — Пешку тумани телекоммуникация боғламасининг электрмонтёри, Бухоро вилояти

**Шукурова Ҳокима Ғайбуллаевна** — Шофиркон туманидаги «Нурафшон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

**Эгамбердиев Икром Алламуродович** — «Музработ машина-трактор парки» акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, Сурхондарё вилояти

**Эшқувватов Орзиқул Нарзиқулович** — Узун туманидаги «Узунқурилиш инвест» компаниясининг бетончи-монтажчилар бригадаси бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Эшмуродова Матлуба Нарзуллаевна** — Оқдарё туманидаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Самарқанд вилояти

**Юсупов Муқимжон Қосимович** — Норин туманидаги «Оқ олтин» муқобил машина трактор паркининг механизатори, Наманган вилояти

**Юсупов Акбаржон** — «Сирдарё иссиқлик электростанцияси» очиқ акциядорлик жамиятининг катта машинисти

**Юсупова Тожибархон Каримовна** — Ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди Жалолқудуқ туман бўлимининг биолабораторияси мудири, Андижон вилояти

**Ёқубова Марҳабатхон Маҳмудовна** — Иқтисодиёт вазирлиги бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Қўлдошева Мунаввар** — Ғаллаорол туманидаги «Самарқанд» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

**Кўчқоров Раҳмон Ўрмонович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси

**Ҳақбердиева Гульфия Салимовна** — «Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамиятининг назорат ўлчов асбоблари ва метрология цехининг чилангари, Навоий вилояти

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И. КАРИМОВ**
*Тошкент шаҳри, 2006 йил 28 август*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ



*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Айни вақтда мазкур қонуннинг қабул қилиниши аслида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган чуқур ўзгаришларнинг устувор йўналишларини белгилаб берадиган дастурий ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида белгиланган аниқ мақсадли вазифалар билан ҳамоҳанг эканлиги таъкидланди. Ушбу қонун Ҳомийлар ва шифокорлар йилида қабул қилинаётганлиги ҳам рамзий маънога эга. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш вақтида сенаторлар ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш юзасидан 2005 йилда қабул қилинган фармонлари ва қарорларига мувофиқ тайёрланганлигини таъкидладилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўрсатиб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидан келиб чиқиб, қонун Ўзбекистон Республикасининг 32 та қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритади. Бу ўзгартиш ва қўшимчалар хусусий тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг соддалаштирилган механизмини жорий этишни, уларга молиявий ёрдам кўрсатиш ва солиқ имтиёзлари беришни, кредит ресурсларидан фойдаланишда кичик бизнес субъектларининг имкониятларини кенгайтиришни назарда тутади. Уларда иқтисодий жазо чораларининг мослашувчанлигини таъминлашга, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишни камайтиришга, шунингдек, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялашни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилади.

Муҳокамада сўзга чиққан сенаторлар ушбу қонун қабул қилингач, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари ҳуқуқий жиҳатдан мунтазам ва яхлит тартибга солинишини, уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга ягона ёндашув таъминланишини, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар яратилишини кўрсатиб ўтдилар.

Шундан кейин парламент юқори палатасининг аъзолари «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Муҳокама чоғида ушбу қонун банк ва молия тизимларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун Марказий банкнинг асосий вазифаларига, банк бошқарувининг микрокредит ташкилотлари учун молиявий операцияларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш, ушбу ташкилотларнинг фаолиятини лицензиялаш соҳасидаги ваколатларига, шунингдек, шу билан бошқа масалаларга доир қатор аниқлаштирувчи ўзгартишларни киритади. Шу тариқа «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бир-бирига мувофиқлаштирилади.

Сенат аъзолари мамлакатнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунларни кўриб чиқдилар. Булар Ўзбекистоннинг ернинг озон қатламини бузадиган моддаларни атмосферага чиқариб ташлаш хавфини тўхтатишга қаратилган глобал жараёнда иштирок этиши билан боғлиқ бўлган «Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Монреаль, 1997 йил 17 сентябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда «Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир. Уларни муҳокама қилиш вақтида сенаторлар ҳозир мамлакатимизда Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи каби асосий халқаро ҳужжатларга риоя этиш учун норматив-ҳуқуқий база яратилганлиги ва у амал қилаётганлигини таъкидладилар. Ўзбекистон 1993 йил май ойида Вена конвенцияси ва Монреаль протоколини имзолади, 1998 йилда Протоколга Лондон ва Копенгаген тузатишларини ратификация қилди. Юқорида номлари келтирилган иккита қонунни қабул қилиш билан мамлакатимиз ушбу Протоколга яна иккита тузатишни: Монреаль (1997 й.) ва Пекин (1999 й.) тузатишларини ратификация қилди. Ушбу тузатишларга мувофиқ Ўзбекистоннинг озон қатламига хавфсиз бўлган моддалар сотиб олиш учун жаҳон бозорларига кириш, тегишли ускуналар ишини таъминлаш учун бу моддаларни импорт қилиш имконияти сақлаб қолинади. Мазкур халқаро ҳужжатларга қўшилиш натижасида мамлакатимиз атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сақлаб қолиш билан боғлиқ турли дастурларни амалга оширишда техникавий ёрдам кўрсатаётган Глобал экологик фонд билан яқиндан ҳамкорлик қилиш имконига эга бўлади.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши муносабати билан қабул қилинган учта қонунни ҳам кўриб чиқдилар. Булар «2001 йил 31 майда Минскда имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги Конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги, «1999 йил 26 февралда Москвада имзоланган Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги, «2003 йил 21 февралда Москвада имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг ташқи чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларидир. Уларни муҳокама қилиш чоғида, сенаторлар Ўзбекистоннинг ушбу ҳужжатларга қўшилиши Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириш, Ўзбекистон билан ҳамжамиятга аъзо бўлган бошқа давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлишини, бутун минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беришини алоҳида кўрсатиб ўтдилар.

Сенаторлар ШҲТ Котибиятининг ваколатлари ҳамда функционал вазифалари кенгайтирилганлиги муносабати билан қабул қилинган «2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Баённомани (Шанхай, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам маъқулладилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартиш киритиш, Ўзбекистон Республикасининг Белгия қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчисини лавозимидан озод қилиш масалаларини кўриб чиқдилар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқладилар.

Мажлисда Сенат ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам кўрилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Еттинчи ялпи мажлисда кўриб чиқилган қонунлар ва бошқа ҳужжатларни муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар юқори палатанинг парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар моҳияти ва аҳамиятини, шунингдек, улар иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатнинг замонавий индустриал ишлаб чиқариш салоҳиятини яратиш, тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш, молиявий фаолиятни, гуманитар ва ижтимоий соҳаларни барқарорлаштириш учун муҳимлигини аҳолига тушунтиришга қаратилган иши самарадорлигини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Шу билан бир қаторда сенаторларнинг фаолиятида мавжуд бўлган айрим камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Аҳоли орасида, айниқса, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ҳамда уларни ғоявий чиниқтириш борасида олиб борилаётган ишлар анча яхшиланиши керак. Сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари жойлардаги ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни самарали ҳал этиш борасида ўз сайловчилари билан олиб бораётган ишни янада кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда сенатор мамлакатни ислоҳ қилиш соҳасида жадал кечаётган жараёнларда кузатувчи эмас, балки уларнинг фаол иштирокчиси бўлиши, аҳоли орасида, узоқ қишлоқлар, маҳалла ва овулларда иш олиб бориши кераклиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида ҳаммаси бўлиб 25 та масала кўриб чиқилди, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш соҳасидаги ислоҳотларнинг янада чуқурлашиш жараёнини таъминлашга, жамиятни янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашга қаратилган йигирма битта қонун маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**матбуот хизмати**

# «МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА»

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Партиямизнинг ютуқларидан бири шундаки, биз мустақиллигимизнинг ҳар бир йилини халқимиз билан биргаликда, ҳамнафас бўлиб босиб ўтдик. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитининг дастлабки қийинчиликлари, машаққатларини ҳам ЎзХДП халқимиз билан биргаликда бошдан кечирди. Мамлакатимиз озодликка эришган дастлабки кунларданоқ ўз миллий урф-одатларимиз, турмуш тарзимиз, миллий давлатчилигимиз, маданий анъаналаримиз, умумбашарий қадриятларга асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танладик. Миллий тараққиётимизнинг бугунги босқичидаги асосий вазифаларимиз мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, унинг шу вақтга қадар эришган ютуқларини тобора ривожлантириб боришдан иборат.

Мамлакатимиз мустақиллиги билан тенгдош бизнинг партиямиз юртимиздаги сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда. Бугунга келиб ўз мафкурасини, ғоявий қарашларини буткул янгилади. Ўзини Ўзбекистондаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти, Қонунчилик палатасидаги фракциямиз эса ўзини парламент озчилиги мухолифати, деб эълон қилди. Булар шунчаки ўз-ўзидан бўлган эмас. Буларнинг барчаси мамлакатимиз нафақат иқтисодий, балки сиёсий ҳаётда ҳам тобора ривожланиб, фуқаролик жамияти сари бораётганидан далолат беради.

**Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари:**

— Нима учун биз ХДП билан ижтимоий ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз?

Касаба уюшмаларининг биринчи галдаги вазифаси ижтимоий муҳофаза масаласидир. Ўзбекистон ХДП Дастурида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини ва меҳнатга яраша ҳақ олишини таъминлаш алоҳида ўрин олган. Бугунга келиб юртимизда жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатиши, ўзаро хамкорлик қилиши учун жуда кенг имкониятлар мавжуд. Кундалик ҳаётимизда нодавлат муассасаларининг ўрни, обрўси ошиб бораяпти. Демак, Ўзбекистон фуқаролик жамият сари дадил ва олға қадам ташламоқда.

**Индира ҲАЛИМОВА, Тошкент вилоят ҳокимлиги ходими:**

— Оила тинч бўлса, она ва бола соғлом бўлса, юрт ҳам тинч, фаровон бўлиши шубҳасиз. Шундан келиб чиқиб оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш борасида Юртбошимизнинг фармонлари, ҳукумат қарорлари, меъёрий хужжатлар, давлат дастурлари қабул қилинган. Улар аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамият ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш, маънавий ва интеллектуал салоҳиясини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу ғамхўрликлардан шундай хулоса чиқадики, жамиятимизда аёлларнинг ўрни, обрў-эътибори ортиб бормоқда. Бу эса мустақиллигимиз берган неъматдир.

**Дилшод МАНСУРОВ, эркин кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони:**

— Мен мустақиллик йилларида улғайиб, таълим олиб, спорт билан шуғулланиб уч марта жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлдим. Шоҳсупада турганимда давлатимиз мадҳияси янгради... Байроғимиз кўтарилди... Озод юрт байроғи, озод Ватан мадҳияси... Кўнглимдан шундай ҳислар кечдики, буни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Мен Ўзбекистон номидан курашга чиққан эдим. Ғалаба қилдим. Ўзбек номи жаҳон узра таралди. Ватаним мустақил бўлмаганида шунчалик ғурурга тўлмасдим. Балки, чемпион ҳам бўлолмасдим. Чунки, мен халқаро майдонларда кураш тушаётганимда Ўзбек номи, унинг озод халқи ғурури белимга қувват, билагимга куч бўлади. Шу ҳис, шу туйғу ҳамроҳлигида жаҳон чемпиони бўлдим.



Шундан сўнг Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров сўз олди. У ўзининг том маънодаги мустақиллик кашф этган шоир эканлигини эътироф этди. Бу йилларда ижодкорлар, зиёлиларга берилаётган эътибор ҳақида тўлқинланиб гапирди. Ўзбекистон ХДП Паркент туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Зироҳат Шомаликова, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Зоя Ан, Ўртачирчиқ туманидаги «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Гулнора Файзуллаева, Зангиота туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Раъно Тўраева, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг Чирчиқ шаҳри бўйича вакили Мукаррам Исроилова, Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Нурмат Отабеков ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар. Улар 15 йил давомида юртимизда фан, таълим, соғлиқни сақлаш тизимларида, фуқароларни ижтимоий муҳофазалаш борасида олиб борилаётган ишлар, эришилган ютуқларга тўхталдилар.

Анжуман давомида бир гуруҳ фаол партия аъзоларига янги гувоҳномалар топширилди.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

**Суратларда:** анжумандан лавҳалар.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

## • Нашриёт туҳфаси



**Истиқлолимизнинг 15 йиллиги арафасида «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Ватанимизнинг бош майдони бўлмиш Мустақиллик майдони ҳақида рангли, суратлар билан безатилган буклетни ўзбек, рус, инглиз тилларида нашрдан чиқарди.**

## «МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ»

Энг улуғ, энг азиз байрам арафасида мамлакатимизнинг бош майдони ўзгариб, муқаддас зиёратгоҳга, юртдошларимиз фахр-ифтихор этадиган азиз гўшага айланди. Бу ерда ҳар бир ўзбекистонликнинг қалби ғурурга, халқимиз асрлар давомида орзу қилган озодликка ишонч, эътиқод ва садоқат нурларига тўлади.

Буклет бош майдондаги Мустақиллик ва Эзгулик монументи билан очилади. У халқимизнинг очиққалб ва тинчликсеварлигини, ёшлик ва бахтли инсон сиймосини ўзида тўла мужассам этади.

«Мустақиллик майдони» метро бекатидан бош майдонга қадам қўяётган ҳар бир киши бу гўшага ўзгача салобат бағишлаб турган улуғвор аркадан ўтади. Арка тепасидаги бахт-саодат ва авлодлар давомчиси рамзи — парвозга шайланаётган турналар тинчлик ва шодлик сари чорлайди. Майдондаги кўзни қамаштириб турган Олий Мажлиснинг юқори палатаси — Сенат биноси Ўзбекистоннинг энг муносиб, доно одимларини ифода эттириб турибди. Вазирлар Маҳкамасининг маҳобатли биноси мустаҳкам ижро ҳокимиятининг рамзи.

Хотира хиёбони ва «Мотамсаро она» ҳайкали ўтган даврга, жанг майдонида жон фидо қилган ҳар бир навқирон инсон хотирасига ҳурмат-эҳтиром рамзига айланди.

Буларнинг барчаси «Мустақиллик майдони» буклетидаги рангли суратлар орқали муштарийларга атрофлича ҳикоя қилиб берилади. Буклет Ватанимизнинг Бош майдонига қадам ранжида қилган ҳар бир фуқаро, хорижлик меҳмон учун эсдалик совғасидир.

**«BIRJASERVISXONOBOD»**

*МЖК низом жам-ғармасини 60 млн. сўмдан 40 млн. сўмгача камайтиришини эълон қилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ҳафта давомида 148-08-67 телефони орқали қабул қилинади.*

**МАЪМУРИЯТ.**

## XORIJDA

### БМТ— ЛИВАН

Кеча БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг Яқин Шарқ бўйлаб сафари бошланди.

Дастлаб Аннан Ливанга, БМТ воситачилигидаги Исроил ва «Ҳизбуллоҳ» орасида ўрнатилган тинчлик сулҳини мустаҳкамлаш учун ташриф буюради.

Ливандан кейин Аннан Исроил, Фаластин, Сурия ва Эронга бормоқчи.

Кузатувчиларнинг фикрича, Аннаннинг Ливан ҳукумати билан олиб борадиган музокаралари мамлакат жанубида тинчликпарвар кучларнинг жойлаштирилиши ва Исроил томонидан Ливан қамали бекор қилиниши масалаларига тегишли бўлади.

Ҳозирча Аннаннинг БМТ Бош котиби билан музокаралар олиб боришга тайёр эканлигини билдирган «Ҳизбуллоҳ» гуруҳи раҳбари Ҳасан Насруллоҳ билан учрашиши ноаниқ бўлиб турибди.

— Исроиллик иккита ҳарбийнинг ўғирланиши урушга айланиб кетишини билганимда бу ишни қилишдан бош тортган бўлар эдим, — деди якшанба куни Ливан телевидениесига интервью берган Насруллоҳ.

«Ҳизбуллоҳ» гуруҳи раҳбари унинг ташкилоти Исроил билан маҳбуслар аламашиш борасида мулоқотга киришганини ҳам айтиб ўтди. Бу жараёнда Италия ва БМТ воситачи сифатида қатнашмоқчи.

Эслатиб ўтамиз: Исроил ва «Ҳизбуллоҳ» орасидаги қуролли тўқнашувлар 12 июль куни, яъни гуруҳ жангарилари Исроил ҳудудига бостириб кириб, икки нафар аскарни ўғирлаб кетгач бошланди. Зиддиятлар 34 кун давом этди. Ливан 1100 нафар фуқаро ўлганлиги ҳақида маълум қилди. Исроил эса 116та ҳарбий ва 43 нафар тинч аҳоли вакили ҳалок бўлгани ҳақида хабар берди.

### АҚШ

Пентагон матбуот марказининг хабар беришича, Кубадаги Гуантанамо қамоқхонасида сақланаётган маҳбусларнинг беш нафари Афғонистон ҳукуматига топширилади. Маҳбусларнинг шахсий ишлари ўрганиб чиқилгач, уларни мамлакатларига қайтариш тавсия этилди.

Матбуот марказининг маълумотига кўра, Гуантанамодаги 120га яқин маҳбус тез кунларда озод этилиши ёки ҳукуматларига қайтарилиши мумкин экан.

Умумий ҳисобда 315га яқин маҳбус Гуантанамони тарк этиб ўз уйларига, яъни Албания, Афғонистон, Австралия, Бахрайн, Бельгия, Дания, Миср, Франция, Германия, Эрон, Ироқ, Иордания, Қувайт, Мальдив ороллари, Марокаш, Покистон, Россия, Саудия Арабистони, Испания, Швеция, Судан, Тожикистон, Туркия, Уганда, Буюк Британия ва Яманга қайтишди.

Айни пайтда қамоқхонада 445га яқин маҳбус қолган.

### ТУРКИЯ

Душанбага ўтар кечаси Туркиянинг Мармарис курортида учта ва Истанбулда битта портлаш рўй берди. Биринчи портлаш Мармарис-Армуталан йўналиши бўйича кетаётган микроавтобусда рўй берган. Иккита портлаш эса марказий кўчаларда уюштирилган. Натижада Туркиянинг 11 ва Британиянинг 10 нафар фуқароси жароҳатланган.

Портлашлар оқибатида жабр кўрганлар Мармарисдаги «Аху Хетман» касалхонасига олиб келинди. Олти нафар британияликнинг аҳволи қониқарли бўлса, яна тўрт нафарининг аҳволи оғир.

Бу портлашлар террорчилик ҳаракатлари, дея баҳоланмоқда.

Истанбулда эса портлаш ярим кечаси рўй берди. Портлашга мактаб биноси олдига қўйиб кетилган пакет сабаб бўлган.

Истанбул Хавфсизлик бошқармаси бошлиғи раҳбари Жалолиддин Жарроҳнинг айтишича, террорчилик оқибатида талафот кўрганларнинг аҳволи оғир эмас.

Жароҳатланганларнинг барчаси Туркия фуқароларидир.

Мамлакатимиз қурилиш саноатининг фахри —



«Қизилқумцемент»

очиқ акциядорлик жамиятининг кўпмиллатли жамоаси





Келажаги буюк давлатимизни дунёга танитган, халқимизга ҳурлик ва озодлик бахш этган Мустақилликнинг 15 йиллиги муносабати билан барча Ватандошларимизни самимий муборакбод этади!





Гўзал диёримизда тинчлик ва эзгулик абадий бўлсин!

«Қизилқумцемент» ОАЖ — сизнинг ишончли ҳамкорингиз!

# НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

# МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ

*Буюк имкониятлар мамлакати – Она Ўзбекистонимизда истиқомат қилаётган азиз ҳамюртларимизни энг улуғ, энг азиз айём, умумхалқ байрами*

**мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйи**

*билан қизғин муборакбод этади.*

Озодлик шукронасида кечган 15 йиллик давр мустақилликни мустаҳкамлаш ҳамда уни асраб-авайлашнинг заҳматли зафарлари билан зийнатлидир.

Ўтган даврда эришилган юртимиз ҳар бир гўшасидаги ободончиликдан кекса-ю ёш онгидаги ўзгаришларгача, моддий имкониятлар ўсишидан маънавий юксалишларгача бўлган ифтихорли натижа ва муваффақиятлар миллатимиз бўйига бўй, шаънига шон қўшди.

Юртимиз тинч, халқимиз омон, турмушимиз фаровон, ўзаро аҳил-иттифоқлигимиз мустаҳкам бўлаверсин!

**Меҳр-оқибат ва умуминсоний қадриятлар бешиги Ўзбекистонимиз номи дунё бўйлаб жаранглаб турсин.**



**15 ёшинг муборак, озод элим, обод юртим ЎЗБЕКИСТОНИМ!**

**Наманган вилоят молия бошқармаси**

● Қарор ва ижро

# ИККИЛАМЧИ ХОМАШЁ

## УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётини кузатсангиз, қизиқ бир ҳолатга дуч келасиз. Яъни, мамлакатнинг тараққиёт даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг иқтисодиёти, ишлаб чиқариши, саноатидаги исрофгарчилик даражаси шунчалик паст бўлади, қоғозу темирдан тортиб, озиқ-овқат чиқиндиларигача қайта ишланади, иккиламчи хомашё яратилади.*

*Қайта ишлаш борасидаги энг эътиборга молик кўрсаткичлардан бири алюминийни қайта ишлаш соҳасига тегишли. Хусусан, XX асрнинг охирларида қайта ишлаш натижасида олинган иккиламчи алюминий дунёда ишлаб чиқарилаётган ушбу металлнинг 30 фоизини ташкил этган бўлса, 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 50 фоизга етиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Нисбатан содда усул ҳисобланадиган қайта эритиш усули минерал хомашёни ер остидан қазиб олиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда ишлаб чиқариш жараёнидаги энергия истеъмолини сезиларли даражада камайтириш имконини беради.*

...Яқинда Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводида янги печь ишга туширилди. АҚШдан сотиб олинган бу ускуна қатор афзалликларга эга бўлиб, юқори ишлаб чиқариш қуввати, электр энергиясини аввалги печга нисбатан бир ярим баробар тежаши, эритилаётган металлнинг юқори сифати ва газланиш миқдорининг пастлиги билан ажралиб туради. Янги печь ўрнатилиши мамлакатимиз рангли металлар саноатида тежамкорлик сари ташланган муҳим қадамлардан бири бўлса, жорий йил 18 июль куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан имзоланган «Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарор мазкур соҳада туб бурилишлар жараёни бошланганини англатади.

Соҳа вакилларининг айтишича, интиқлик билан кутилган бу ҳужжат рангли металлар соҳасини кенг кўламли қайта ташкиллаштириш ва замонавийлаштириш жараёнини бошлаб беради.

— Қарорнинг моҳияти фақатгина «Ўзранглиметалл»ни «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» очиқ акциядорлик жамиятига айлантиришдан иборат эмас, — дейди корхона директорининг биринчи ўринбосари Александр Долженко. — Айни пайтда соҳада бозор тамойиллари ҳаётга татбиқ этилаётган бўлиб, улар бизга янада самаралироқ фаолият юритиш имконини беради. Шу ўринда биргина янгилик ҳақида айтиб ўтиш даркор. Агар илгари тайёрланаётган парча ва чиқиндиларнинг нархи буйруқ тарзида белгиланган бўлса, энди у Лондон металлар биржасидаги нарх-наводан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Суҳбатимиз давомида Александр Николаевич яна бир қатор қизиқарли маълумотларни келтирди. Унинг айтишича, бутун дунёда иккиламчи хомашёдан фойдаланиш давлат даражасидаги масала ҳисобланади. Барча саноати ривожланган мамлакатлар рангли ҳамда қора металлар парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш ва тайёрлашнинг самарали ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган тизимига эга. АҚШда рангли металлар билан хусусий тадбиркорлардан ташқари, бир ярим мингдан зиёд компания шуғулланади. Франция ва Германияда уларнинг сони тахминан мингтага яқин. Қайта эритишга тайёрланган металлоломдан нафақат йирик заводларда, балки унчалик катта бўлмаган металлургия корхоналарида ҳам фойдаланилади.

Дунёда иккиламчи хомашёдан фойдаланиш бўйича энг яхши кўрсаткичларга эга мамлакат Япониядир. Бу ерда металл парчалари ва чиқиндилардан фойдаланиш даражаси 95 фоизга тенг. Бу, бир жиҳатдан, мамлакатда табиий захиралар танқислиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, аҳоли давлат бошқарув ташкилотларининг захираларни асраб-авайлаш ва экологик талаблар бўйича кўрсатмаларини қатъий бажариш лозимлигини онгли равишда англаб етишининг самараси ҳамдир. Япония қонунчилик тизимида чиқинди чиқарган корхоналар уларни қайта ишлашга масъул эканлиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

Мамлакатимиз табиий захираларга бой бўлишига қарамай, биз ҳам шу йўлдан боришимиз керак албатта. Ўзбекистон Президентининг 18 июль кунги қарори вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, ташкилотлар раҳбарлари рангли металлар, уларнинг парчалари ва чиқиндилари айланмаси тартибига қатъий риоя қилиниши учун шахсан жавобгар эканини белгилайди.

Қарорда, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органларига рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини йиғиш бўйича «Қора бозор»ни ва уларни қабул қилиш билан шуғулланувчи ноқонуний пунктларни йўқ қилиш, ушбу қимматбаҳо хомашёни Ўзбекистондан ташқарига контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетиш каналларини беркитиш борасида жиддий кўрсатмалар берилган.

90-йилларнинг қийинчиликларига қарамай, соҳа секин-аста ўзини ўнглаб, жадаллик билан олға силжиш учун замин тайёрламоқда. Агар 2002 йилда тайёрланган маҳсулот бор-йўғи 2 миллиард сўмдан сал кўпроқни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 6 миллиард сўмга яқинлашиб қолди. «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар — тозаланган мис, мис асосидаги қотишмалар, алюминий қотишмаларига нафақат мамлакатимизда, балки ундан ташқарида ҳам талаб ниҳоятда катта. Корхона маҳсулотлари 17 мамлакатга, жумладан, Буюк Британия, Германия, Эрон, Хитой, Россия, Япония ва бошқа давлатларга экспорт қилинади.

Суҳбатимиз сўнггида Александр Долженко яна бир фойдали маълумот билан ўртоқлашди. Тошкент заводи — минтақамиздаги озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган алюминий ишлаб чиқарувчи ягона корхонадир. Инсофли тадбиркорлар бу металлдан ниҳоятда сифатли ва безарар қозон, кастрюль, тоғора, това ва бошқа ошхона жиҳозларини ишлаб чиқаради. Инсофсизлари эса — уларни сифатсиз ва соғлиқ учун зарарли металлдан тайёрлайди. Шу боис цинк ва бериллий каби хавфли металларда тайёрланган овқатни истеъмол қилиш саломатликка қанчалик зарар етказишини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Тошкент заводининг алюминийидан фойдаланувчи корхоналарнинг маҳсулотлари эса сифати, безарарлиги билан эътиборга молик.

**Олим БАҲРОМОВ**

● **Интер-спорт**

## НИҲОЯТ КЛИЧКОГА РАҚИБ ТОПИЛДИ

IBF йўналиши бўйича жаҳон чемпиони, ўта оғир вазнли украиналик боксчи Владимир Кличко америкалик Шеннон Бриггз билан эмас, балки унинг ватандоши Келвин Брокка қарши жанг қиладиган бўлди.

Маълумки, Брок мағлубият нималигини билмай келаётган профессионал боксчилардан. Жанг шу йил 11 ноябрь куни Нью-Йоркда ўтказилади.

Ғап шундаки, Шеннон Владимир билан жанг қилишга рози эмаслигини билдирди. Чунки украиналик боксчининг менежери Шелли Финкель айни пайтда Владимирнинг Олег Маскаев билан жанг қилиши тўғрисида музокора олиб бораётгани Шеннонга маъқул келмаганди. Брок эса шу кунгача 29 жанг ўтказиб, ҳаммасида ғалаба (22 нокаут)га эришган.

## ҒОЛИБГА МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Москвада эркаклар ўртасида волейбол бўйича Жаҳон лигаси учун навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Бош соврин учун Бразилия терма жамоаси билан Франция волейболчилари баҳс юритдилар. 1 соату 56 дақиқа давом этган қизғин курашда Жанубий Америка волейболчилари аввалига икки партияда 22:25, 23:25 ҳисобида имкониятни бой беришди. Лекин қолган уч партияда ўзларини ўнглаб, кетма-кет ғалабага (25:22, 25:23, 15:13) эришдилар. Шундай қилиб, ғолиб жамоага миллион доллар, иккинчи ўринни олган французларга 500 минг долларлик мукофот насиб этди.


## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

*ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН*

***2006 йилнинг 29 сентябрь ва 3,6,10,13,17,20,24,27,31 октябрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига***

***Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган қуйидаги ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқлари қўйилади.***

| Объект манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Қуриладиган мажмуа тури |
|---|---|---|
| **Миробод тумани** | | |
| Эски отчопар кўчасида, 0,21 га. | 8553775 | Ишлаб чиқариш биноси қуриш учун |
| **Юнусобод тумани** | | |
| А.Дониш кўчасида, 0,027га. | 3619700 | Савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |

***Ер участкаларининг узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич нархларига ер участкасини лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш харажатлари қўшилган.***

***Ҳужжатлар тўпламига қуйидагилар киради:***

***1. Ер участкасининг чегараси***

***2. Меъморий лойиҳа вазифалари: АПЗ-1, АПЗ-11.***

***3. Топографик съемка, масштаб 1:500.***

***4. Муҳандислик-геологик хулоса.***

***5. Шаҳарсозлик талаблари ва қуриладиган бино эскизи.***

***Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал соат 18.00да тўхтатилади.***

***Савдолар соат 11.00 да бошланади.***

***Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 5% миқдорида закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.***

***Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16- «А» уйда ўтказилади.***

**Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.**

***Гувоҳнома: 000815***



# «O`ZAGROSUG`URTA»

**Davlat-aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi**

**жамоаси**

*Халқимизни Мустақиллигимизнинг*

**15 йиллиги**

*билан муборакбод этади!*

**Орзу-умидларга, қувончга тўла бу кунда барчага тинчлик ва хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ ва юртимиз равнақи йўлидаги ишларида омадлар тилаб қоламиз.**

*Оилангизга тўкин-сочинлик, бахт тилаймиз.*






# «ЎЗБЕКЧАРМПОЙАБЗАЛИ»

**УЮШМАСИ ЖАМОАСИ**

*халқимизни энг улуғ, энг азиз байрам —*

**Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги**

*шодиёнаси билан самимий қутлайди.*

**Шу қувончли мўътабар кунда юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, тинч-тотувлик, омонлик, бахт-саодат ва омадлар тилайди.**






BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 1052
7452 nusxada bosildi
r — Тижорат материали
O'zA yakuni —
Topshirish vaqti —
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda